БРОНЗА ДАВРИ БИШКЕНТ ВА ВАХШ МАДАНИЯТИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Д.О.Каримова, Б.А.Юнусова

Мақолада Шимолий Бақтриянинг бронза даври чорвадор қабилалари маданияти ҳисобланадиган Вахш ва Бишкент маданияти таркибига кирувчи ёдгорликларнинг даврий саналари ҳақида фикр юритилган. Ушбу маданиятнинг даврини аниқлашда Шимолий Бақтриянинг бронза даври деҳқончилик маданияти соҳибларининг ёдгорликлари топилмалари ҳам асос қилиб олинган.

***Калит сўзлар**: Шимолий Бақтрия, бронза даври, чорвачилик маданияти, деҳқончилик маданияти, ёдгорлик, қабила, мозор, лаҳад, сопол.*

В статье рассматриваются периодические даты памятников скотоводческих племен Северной Бактрии эпохи бронзы, входящие в состав Бишкентской и Вахшской культур. При определении культуры эпохи бронзы Северной Бактрии авторы основываются также на памятниках земледельческой культуры.

***Ключевые слова:** Северная Бактрия, эпоха бронзы, скотоводство, земледельческая культура, памятник, племя, кладбище, могила, керамика,*

The article is about Bronze Age culture of the tribes of North Bactrian cattle-breeders of the Vakhsh, Bishkent`s historical monuments which are parts of the cultural life of that period. In determining the period of this culture in North Bactrian Bronze Age monuments of culture of farm owners based on findings of owners.

***Key words:** North Bactrian, Bronze Age, cattle-breeding, farming culture, monuments, tribes, cemetery, grave, ceramics.*

Шимолий Бақтрия ҳудудларида бронза даврида жуда мураккаб этник жараёнлар кечади. Унинг жанубий-ғарбий тоғли минтақаларида, яъни ҳозирги Тожикистон ҳудудларида маҳаллий Бишкент ва Вахш маданияти қабилалари истиқомат қилса, тоғ ораларидаги қуёш тушишига қулай сой ҳавзаларида Сополли маданияти Мўлали даври жамоаларининг қишлоқлари қад кўтаради. Худди шу кезларда бу ҳудудга, Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида юз берганидек, шимолдан чорвадор дашт қабилалари, яъни Андроново қабилалари кириб келади. Бу уч этник гуруҳдан иккитаси, яъни Сополли деҳқончилик маданияти ва Андроново қабилаларининг келиб чиқиш тарихий илдизларида аниқлик бўлса-да, Бишкент ва Вахш маданиятлари этник гуруҳларининг келиб чиқиши масаласида баҳсли жиҳатлар мавжуд.

Кофирнигон ва Вахш дарёлари қуйи оқимлари адирларида, Амударёга яқин ҳудудларда чорвадор уруғ жамоаларига оид ёдгорликлар кенг тарқалган. Улар Вахш I, II, III, Тигровая Балка, Ойкўл, Жаркўл, Илк Тулхор, Илк Аруктау, Бишкент I, II, III ва Исанбой, Макони-мор каби ёдгорликлар бўлиб, турли ички ва ташқи қурилиш кўринишидаги қадимги қабристонлар сифатида бизгача етиб келган.

Чорвадорлар қабристони бўлмиш Макони мор Қизилсув дарёсининг Амударёга қўшилиш жойи яқинидаги даштга жойлашган. Кофирнигон дарёсининг қуйи ҳавзаси даштларидан топилган Аруктау, Тулхор, Бишкент ёдгорликларининг тадқиқотчиси А.М.Мандельштам уларни Бишкент маданияти номи остида ўрганган. Айнан шу типдаги Вахш водийси ёдгорликларини ўрганган Б.А.Литвинский эса уларни Вахш маданияти номи билан фанга киритган.

Ҳисор воҳасининг антик даврига тегишли Тупхона қабристонидан скелетнинг қўл-оёқлари букилган ва ёнбошлатилган ҳолатда кўмилган бронза даврига оид иккита қабр очилган. Улардан бирида қўй суяклари ва асоси чақмоқтошдан ишланган нуклеус учрайди, шунга асосланиб Б.А. Литвинский қабрларни илк бронза даври билан белгилайди [1.62]. Аммо бу қабрдан топилган сопол парчалари Жанубий Ўзбекистон бронза даври Сополли деҳқончилик маданиятининг Мўлали босқичи сополлари билан бир хил характерланади. Бу тасодифий топилмалар Жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудуди бронза даври жамоалари томонидан кенг кўламда ўзлаштирилганига ишора беради. Бишкент водийсини археологик жиҳатдан илмий ўрганиш илк бор 1955 йилда А.М.Мандельштам томонидан олиб борилган бўлиб, айнан шу йилдан бошлаб Жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудудлари

бронза даври ёдгорликларини ўрганишга илмий асос солинди.

А.М.Мандельштам 1955-1959 йилларда, Кофирнигон дарёси қуйи ҳавзалари антик давр мозор-қўрғонларини ўрганиш вақтида бронза даврига тегишли қабрларга дуч келади. Улар икки гуруҳдан иборат бўлиб, тадқиқотчи биринчисини – "Илк Тулхор" (75 та мозор), иккинчисини – "Илк Аруктау" (12 та мозор-қўрғон) ёдгорликлари деб атайди. А.М.Мандельштам қабрларни ички тузилишига кўра 4 турга бўлади. Жумладан, Илк Тулхор қабрларининг 57 тасида дафн анжомлари таркиби ва қабр тузилиши бир хил, яъни қабрлар айвонли лаҳад тузилишида бўлиб, одам скелети ётган лаҳадга бир пиллапоя орқали кирилган. Бундай тузилишдаги қабрлар ва ичидаги ашёвий далиллар таркиби бир хил бўлган мозорларни тадқиқотчи Жанубий Тожикистон бронза даври чорвадорларининг Бишкент маданияти деб атайди. Уларнинг даврий санасини эса мил. авв. XIII-IX асрлар билан белгилайди [2.78-92].

Бироқ на тадқиқотчи, на унинг издошлари Бишкент маданияти қабилаларининг тарихий келиб чиқиш илдизларини маҳаллий қабилалар билан боғлайди. Аксинча, А.М.Мандельштам фаразига кўра, Бишкент маданияти жамоалари Бақтриядан шимолроқдаги Замонбобо ва Андроново жамоаларининг бу заминга кириб келиши билан боғланади. Шунингдек, Бишкент археологик мажмуаларида ўтроқ деҳқон жамоаларига тегишли сопол буюмларнинг учрашини қадимги деҳқонлар билан чорвадор жамоалар ўртасидаги иқтисодий ва этномаданий алоқалар билан изоҳлайди [3.116]. А.М.Мандельштамнинг бундай хулосага келишига Бухоро воҳасининг Зомонбобо маданияти қабрлари тузилишидаги ўхшашлик (катакомба) ва Замонбобо қабристонининг сопол мажмуасида учрайдиган шарсимон тузилишдаги хурмачалар асос бўлган. Бу ёдгорлик очилган даврда Сополли маданиятининг Мўлали ва Бўстон босқичлари хали ўрганилмаган, уларнинг археологик мажмуалари тўғрисида илмий адабиётларда тегишли маълумотлар мавжуд эмас эди. Кейинги (1974-1985) йилларда чорвадор уруғ жамоаларининг туркум ёдгорликлари ва Сополли маданиятининг кенг кўламда ўрганилиши натижасида А.М.Мандельштам томонидан билдирилган фараз ҳақиқатдан анча узоқ экани исботланган.

1960 йилдан кейин Б.А.Литвинский Жанубий-ғарбий Тожикистоннинг Вахш ва Қизилсув дарёлари қуйи ҳавзаларида Вахш маданияти ёдгорликларини очиб ўрганади. Олим уларнинг келиб чиқиш тарихий илдизларини Жанубий Туркманистоннинг Намозгоҳ ва Шимолий Афғонистоннинг Дашли жамоалари билан боғлайди [4.158]. Унингча, бир гуруҳ Намозгоҳ ва Дашли деҳқон жамоалари Шимолий Афғонистон орқали Вахш ва Қизилсув дарёлари ҳавзаларига кириб келган. Б.А.Литвинский бу заминнинг табиий-географик шароити ва экологик имкониятлари уларни янги шароитга мослашиб, чорвачилик хўжалигини юритишга мажбур этганини асослайди. Шунингдек, Сополли ва Бишкент-Вахш маданиятлари орасида узвий генетик алоқа борлиги масаласида А.Асқаров ҳам ўзининг қарашларини баён этган [5.128].

Уларнинг изидан борган Л.Т.Пьянкова ва Н.М.Виноградовалар салафлари қарашларида муайян тарихий ҳақиқат борлигини эътироф этганлари ҳолда, Бишкент ва Вахш маданиятларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари ва янги шароитдаги ривожланиш йўналишларини ҳисобга олиб, Жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудуди қадимги чорвадор қабилалар ёдгорликларини умумлаштириб Бишкент-Вахш маданияти [6.41-65] деб аташни таклиф қиладилар.

Лекин на Б.А.Литвинский, на А.М.Мандельштам ва на уларнинг издошлари Бишкент ва Вахш маданиятининг шаклланишида маҳаллий Ҳисор маданияти жамоаларининг иштироки ҳақида фикр билдиради. А.Асқаров бу масалага тўхталиб, Илк Тулхор ёдгорлиги антропологияси Андроново маданияти аҳолисига хос протоевропоидлар ва Ўрта ер денгизи типларидан тубдан фарқ қилиб [7.171-173], Бишкент-Вахш маданиятининг шаклланишида маҳаллий Ҳисор жамоалари ҳам қатнашган, деган хулосага келади [8.115].

Ҳисор маданиятининг Чармгарон (Кулоб водийси) маконида айлана шаклидаги тош қурилма ичи қалин кул қатламига тўла ҳолда топилган. Лўликўтал маконидаги (Ҳисор маданияти ёдгорлиги) шунга ўхшаш тош қурилма муқаддас саждагоҳ бўлганига далолат қилувчи ишоралар бор. Бу қурилманинг юқори қисми тўғри тўртбурчак шаклидаги тош ғов бўлиб, ўлчами 60х40 см, девори икки қатор терилган тош баландлигида бўлган. Қурилманинг пастки қисми кул аралаш майин тупроқ қатламидан иборат бўлиб, унинг остидан қалинлиги 20 см дан кам бўлмаган қорамтир кул қатлами очилган. Кул қатламининг диаметри 2 метр бўлиб, тош қурилма пастга томон кенгайиб борган. Мана шу кул қатламида кўплаб куйиб парчаланган ҳайвон суяклари топилган. Бу топилмалар ушбу қурилма оташпарастларнинг муқаддас саждагоҳи [9.25-26], деган хулосага келишга сабаб бўлган. Кул қатламининг устки қисмида ҳар хил тош мунчоқлар, бир шода маржон, чақмоқтошдан ясалган қистирма пичоқлар, пардозланган тош болтача ва

силлиқланган қайроқча учраган. Буларнинг бари ҳақиқатда бу тош қурилмаларнинг қандайдир диний маъно касб этишидан далолат беради.

Неолит ва бронза қатламларидан топилган тош қурилмалар шаклларидаги ўхшашлик, олов билан боғлиқ жиҳатлар улар ўртасида қандайдир диний давомийлик борлигига ишора қилади. Тожикистон археологларининг маълумотларига кўра, бугунги кунда Ҳисор маданиятига тегишли 100 дан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилганки, уларнинг соҳиблари, уруғ жамоалари изсиз йўқолиб кетмаган бўлиши керак. Бунинг устига, Кангурттут қишлоқ маконининг бронза даври қатламига тегишли хона поли остидан Ҳисор маданиятининг якунловчи босқич қатлами топилган бўлиб, худди шундай ҳолат Тегузак қишлоқ маконида ҳам учраган [10. 12].

Шунга ўхшаш кузатувларга асосланган В.А.Ранов ва Т.Г.Филимоновалар Ҳисор маданияти бронза давригача давом этганини қайд қиладилар [11.25-26]. Бироқ ҳозирча Ҳисор ва Бишкент-Вахш маданиятини бир-бири билан этник жиҳатдан боғлаб турувчи аниқ археологик омиллар топилмагани сабабли, Ҳисор маданиятининг қайси бир кўринишда бронза давригача етиб келган авлодлари Бишкент ва Вахш маданиятларининг шаклланишида қатнашган бўлиши мумкинлиги ҳақида тахмин қилиш мумкин, холос.

Ўша давр реал ҳаётидан келиб чиқадиган бўлсак, Жанубий-ғарбий Тожикистон ҳудудларига бир томондан Андроново қабилалари, иккинчи томондан Сополли ва Дашли жамоалари кириб келгунига қадар инсон оёғи етмаган макон сифатида қараш ҳам хатодир. Чунки 100 дан ортиқ ёдгорликларни қолдириб кетган Ҳисор маданияти жамоалари изсиз йўқолиб кетган бўлиши мумкин эмас.

Жанубий Тожикистон бронза даври деҳқон жамоалари маҳаллий Бишкент ва Вахш маданияти аҳолиси билан ўзаро муносабатда бўлган. Бу икки археологик маданият бир-бирига жуда яқин, ўхшаш, ягона бир маданиятни ташкил этса-да, уларнинг ўртасида хронологик ва маҳаллий фарқлар ҳам бўлган. Масалан, Бишкент маданиятининг Илк Тулхор қабристони айвонли мозорларида кремация излари учрайди. Албатта, бу Андроново чорвадорлари таъсири натижасидир. Бундай мозорларда чархда ясалган сополлар учрамайди, улардан топилган сополлар таркиби мутлақо “нақшинкор”, чархда эмас, балки қўлда ясалган сопол идишлардан иборат. Демак, ҳали Илк Тулхор мозорларининг айвонли лаҳад қабрлари босқичида Жанубий Тожикистон ҳудудларига Шимолий Афғонистон ёки Жанубий Ўзбекистон томондан қадимги деҳқон жамоалари кириб улгурмаган. Бу давр Сополли маданияти даврий хронологиясида Кўзали босқичига тўғри келади. Бироқ Бишкент-Вахш маданиятининг иккинчи босқичи археологик мажмуаларида Мўлали даври кулолчилик маҳсулотлари ниҳоятда кўп бўлиб, Вахш маданияти ёдгорликларида буни, айниқса, кўплаб кузатиш мумкин. Б.А.Литвинский Вахш маданиятида яйлов чорвачилиги лалмикор деҳқончилик хўжалиги билан биргаликда ривожланганини таъкидлайди.

Бишкент маданиятига тегишли Илк Тулхор қабристонида бир гуруҳ катакомба типидаги мозорлар бўлиб, уларнинг археологик мажмуаларида Мўлали даври сополлари ҳам учрайди [12.16]. Демак, Илк Тулхор қабристонининг катакомба типидаги мозорлари Сополли маданиятининг Мўлали босқичи билан замондошдир.

Шундай қилиб, Бишкент-Вахш маданияти хронологик жиҳатдан икки босқичдан иборат бўлиб, унинг Илк Тулхор қабристонининг айвонли лаҳад қабрлари Бишкент маданиятининг илк босқичи ҳисобланиб, санасини мил. авв. XIII-XII асрнинг биринчи ярми билан белгилаш мумкин. Вахш маданиятининг хронологик замондоши эса Илк Тулхор қабристонининг катакомба мозорларидир. Унинг санасини мил. авв. II минг йилликнинг XII-XI асрлари билан белгилаш мумкин.

Жанубий Тожикистоннинг Тандирйўл, Қизларқалъа, Пархар, Қора Пичоқ ёдгорликлари ва Шаршара ҳамда Аракчиндан топилган мис болталар, Андроново маданияти ёдгорликларидан Қумсой қабристони, Илк Тулхор қабристонининг кремацияли мозорлари бронза даври жамоаларининг илк босқичи ёдгорликларини ташкил этади. Жанубий Тожикистоннинг бронза даври ёдгорликларидан Кангурттут, Дахана, Тегузак қишлоқ маконлари ҳамда Нурек қабристонлари, Илк Тулхор қабристонининг катакомба мозорлари, Гелот, Гулистон, Обкух, Макони мор, Тигровая Балка ва Тошгузар ёдгорликлари эса хронологик жиҳатдан Сополли маданиятининг Мўлали ва Бўстон босқичлари билан замондошдир.

Иккинчи босқич ёдгорликларининг худди Жанубий Ўзбекистондагидек икки хронологик босқичга ажратилиши Тожикистон мисолида қўшимча изланишларни талаб этади. Чунки Сополли маданиятининг Бўстон босқичида юз берган ижтимоий, иқтисодий ҳамда диний тасаввурлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ этномаданий жараёнлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Аскаров А.Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т.: Фан, 1977.- 232 б.
2. Аскаров А. Сапаллитепа. – Т.: Фан, 1973.- 172 с.
3. Кияткина Т.П. Черепа эпохи бронзы с территории Юго-западного Таджикистана. Приложение к работе А.М. Мандельштам “Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане». // МИА.– № 145.– Ленинград, 1968. – С. 171-173.
4. Литвинский Б.А. О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. // Изв. АН Тадж. ССР. Отдел общественных наук.- Душанбе, 1961.- № 1.- С.61-67
5. Литвинский Б.А. Таджикистан и Индия (примеры древних связей и контактов). Индия в древности. – М., 1964.- 158 с.
6. Литвинский Б.А. Археологические открытия в Таджикистане за годы советской власти и некоторые проблемы древней истории Средней Азии.// ВДИ. – 1967. – №4.- С. 126-127.
7. Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане.// МИА.- № 145.- Ленинград, 1968.- С.198
8. Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Бактрии (о вахшской и бишкентской культурах) // Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезолита до бронзы). Тез.док. – Душанбе: Дониш, 1982. – С. 41-65.
9. Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Южного Таджикистана. – Душанбе, 1989.- 252 с.
10. Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Истоки, внешние влияния и внутреннее развитие гиссарской культуры // Древнейшие культуры Бактрии: среда, развитие, связи. – Душанбе, 1982. – С. 21-28.
11. Ранов В.А., Филимонова Т.Г. Изучение Гиссарской культуры и неолитические слои поселения Кангурттут // Виноградов Н.М. Памятники Кангурттута в юго-западном Таджикистане (эпоха неолита и бронзового века).- Москва: ИВ РАН, 2008.- С.439-447
12. Рахмонов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореферат дисс… канд. ист.наук.- Самарканд, 1987.- 29 с.

Тошкент давлат педагогика университети,
Андижон давлат университети,
2016 йил 5 майда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Д.Собирова)